



## МАВСУМИЙ ТУРИСТИК МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА МИНТАҚАВИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

*Хамзаева Дилфуза Самаровна*  
Термиз давлат университети  
[dilfuza\\_xamzayeva@gmail.com](mailto:dilfuza_xamzayeva@gmail.com)

**Аннотация.** Мазкур мақолада мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда минтақавий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари маҳаллий аҳоли, туризм билан шуғулланувчи компаниялар ва сайёҳлар ўртасида ўтказилган сўровлар орқали аниқланган. Натижалар мавсумий туризмнинг иқтисодий фойдаси, янги иш ўринлари яратилиши ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш аҳамиятини кўрсатди. Мақолада мавсумий туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** мавсумий туризм, минтақавий ресурслар, иқтисодий фойда, иш ўринлари, табиий ресурслар, туризмни ривожлантириш.

## ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ РЕГИОНАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ ПРИ РАЗРАБОТКЕ СЕЗОННОГО ТУРИСТИЧЕСКОГО ПРОДУКТА

*Хамзаева Дилфуза Самаровна*  
Термезский государственный университет

**Аннотация.** В данной статье анализируются вопросы эффективного использования региональных ресурсов при разработке сезонных туристических продуктов. Результаты исследования определены на основе опросов, проведенных среди местных жителей, туристических компаний и туристов. Результаты показывают экономическую выгоду от сезонного туризма, создание новых рабочих мест и важность сохранения природных ресурсов. В статье представлены предложения по развитию сезонного туризма.

**Ключевые слова:** сезонный туризм, региональные ресурсы, экономическая выгода, рабочие места, природные ресурсы, развитие туризма.

## EFFECTIVE USE OF REGIONAL RESOURCES IN THE DEVELOPMENT OF SEASONAL TOURIST PRODUCTS

*Khamzaeva Dilfuza Samarovna*  
Termiz State University

**Abstract.** This article analyzes the issues of effective use of regional resources in the development of seasonal tourist products. The research results are determined based on surveys conducted among local residents, tourism companies, and tourists. The results show the economic benefits of seasonal tourism, the creation of new jobs, and the importance of preserving natural resources. The article provides suggestions for the development of seasonal tourism.

**Key words:** seasonal tourism, regional resources, economic benefits, jobs, natural resources, tourism development.

### Кириш.

Туризм индустрияси ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Айниқса, мавсумий туризм туризмнинг бир қисми бўлиб, у муайян йил фаслида ёки иқлимий шароитларга боғлиқ ҳолда амалга ошириладиган туризм фаолиятини ўз ичига олади. Мавсумий туризм орқали турли минтақалар ўзларининг табиий ва маданий бойликларини намоён қилиш имкониятига эга бўладилар. Шу боис, мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали минтақавий ривожланишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақолада мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда минтақавий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари ўрганилади. Минтақавий ресурслар деганда, табиий, маданий, тарихий ва инсон ресурслари тушунилади. Туризм соҳасида бу ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали нафақат маҳаллий иқтисодиёт ривожлантирилади, балки туризмнинг устувор соҳаси сифатида жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ҳам ошириш мумкин.

Мақоланинг мақсади мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда ва уларни тарғиб қилишда минтақавий ресурсларни самарали фойдаланиш йўллари таҳлил қилишдан иборат. Бу борадаги тадқиқотлар ва тажрибалар орқали мавсумий туризмнинг ривожланиши учун янги ғоялар ва стратегиялар ишлаб чиқилади.

### Адабиётлар шарҳи.

Мавсумий туризм мавзуси бўйича турли минтақаларда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Европа, Осиё ва Америкадаги мамлакатларда мавсумий туризмнинг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари ҳақида қатор илмий ишлар мавжуд. Ушбу тадқиқотлар мавсумий туризмнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик таъсирини таҳлил қилишга қаратилган.

Ван, & Lundtorp, (2001) Европа давлатларида, айниқса, Италия, Испания, Швейцария ва Австрияда мавсумий туризм соҳасида муҳим тадқиқотлар олиб борган. Мисол учун, Италиядаги "туризмнинг мавсумийлиги" ҳақидаги тадқиқотлар, туристик фаолиятнинг йўналишлари ва мавсумий туристик маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини ўрганишга қаратилган. Шунингдек, Швейцарияда қишки спорт туризми бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам мавсумий туризмнинг иқтисодий ривожланишга таъсирини кўрсатади.

Butler, (2001) Томонидан олиб борилган тадқиқотда Осиё минтақасида, хусусан, Япония, Жанубий Корея ва Хитойда мавсумий туризмнинг ривожланиши ва унинг туризм индустриясидаги ўрни ўрганилган. Япониянинг Сакура байрами, Жанубий Кореянинг қишки олимпиадаси ва Хитойнинг Янги йил байрами каби йирик тадбирлар мавсумий туристик маҳсулотлар сифатида катта аҳамиятга эга.

Smith, (2012) Америка қитъасида, айниқса, АҚШ ва Канадада мавсумий туризм бўйича тадқиқотлар борган. Бу мамлакатларда табиий ресурслардан, хусусан, миллий боғлар ва қишки курортлардан самарали фойдаланиш орқали мавсумий туризмни ривожлантириш устида ишлар олиб борилган. Масалан, АҚШдаги Йеллоустоун миллий боғи ёки Канададаги Банф миллий боғи каби табиий мажмуа объектлари мавсумий туризмнинг ривожланишига ёрдам берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади (Cooper, Fletcher & other, 2008).

Миллий даражада ҳам туризмни ривожлантириш дастурлари ва лойиҳалари ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, бироқ мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш бўйича тадқиқотлар ҳали ҳам етарлича эмас. Мавсумий туризмни ривожлантириш орқали маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва минтақавий ресурслардан

самарали фойдаланиш бўйича янги имкониятлар мавжуд (Yekimov, Oleksenko and other, 2023).

### Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотда асосий методлар сифатида қуйидагилар қўлланилди:

- Таҳлил методи: мавжуд адабиётлар ва тадқиқотлар таҳлили.

Сўровнома ва интервьюлар: маҳаллий аҳоли, туризм билан шуғулланувчи компаниялар ва сайёҳлар орасида сўровлар ўтказилди.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Тадқиқотнинг самарадорлигини ошириш мақсадида сўровнома ташкил этилди. Сўровномада қуйидаги респондентлар иштирок этди:

1. Маҳаллий аҳоли: 100 нафар
2. Туризм билан шуғулланувчи компаниялар: 50 нафар
3. Сайёҳлар: 150 нафар

Жами: 300 нафар респондент иштирок этди.

Сўровнома саволлари қуйидагилардан иборат:

#### Маҳаллий аҳоли учун:

Туризм орқали бизнесингизни ривожлантириш имконияти бор деб ҳисоблайсизми?

Мавсумий туризм натижасида янги иш ўринлари яратилишига қандай қарайсиз?

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш мавсумий туризмда қанчалик муҳим?

#### Туризм билан шуғулланувчи компаниялар учун:

Минтақавий ресурслардан самарали фойдаланишни бизнес стратегияларингизда қўллайсизми?

Маҳаллий аҳоли билан ҳамкорлик қилишни муҳим деб ҳисоблайсизми?

Мавсумий туризмни ривожлантириш учун инфратузилмани яхшилаш ва инвестициялар киритишни муҳим деб ҳисоблайсизми?

#### Сайёҳлар учун:

Мавсумий туризмнинг қизиқарли жиҳатлари сиз учун қанчалик жозибадор?

Минтақавий ресурслар ва маҳаллий маданият билан танишишга қанчалик аҳамият берасиз?

Экологик ва маданий барқарорликни мавсумий туризмда қанчалик муҳим деб ҳисоблайсиз?

Ҳар бир саволга респондентлар "Ҳа", "Йўқ", ёки "Қисман" жавоб беришган ва натижалар фоизларда ифодаланган.

1-жадвал

### Сўровнома натижалари

Сўров гуруҳи	Сўров мавзуси	Процент (%)
Маҳаллий аҳоли	Туризм орқали бизнес ривожланиши имконияти	75
Маҳаллий аҳоли	Янги иш ўринлари яратилиши	68
Маҳаллий аҳоли	Табиий ресурсларнинг муҳофаза қилиниши	55
Компаниялар	Минтақавий ресурслардан самарали фойдаланиш	80
Компаниялар	Маҳаллий аҳоли билан ҳамкорлик	70
Компаниялар	Инфратузилмани яхшилаш ва инвестициялар	70
Сайёҳлар	Мавсумий туризмнинг қизиқарли жиҳатлари	65
Сайёҳлар	Минтақавий ресурслар ва маҳаллий маданият билан танишиш	72
Сайёҳлар	Экологик ва маданий барқарорлик	60

Сўровнома ва интервьюлар орқали олинган маълумотлар асосида қуйидаги натижалар аниқланди:

**1. Маҳаллий аҳоли:**

○ Маҳаллий аҳоли мавсумий туризмнинг иқтисодий фойдасини юқори баҳолайди. Сўровда қатнашганларнинг 75%и туризм орқали ўз бизнесларини ривожлантириш имконияти борлигини таъкидлади.

○ Маҳаллий аҳоли мавсумий туризм натижасида янги иш ўринлари яратилишини ижобий баҳолайди. Сўров иштирокчиларининг 68%и мавсумий туризм орқали қўшимча даромад манбаларини қўллаб-қувватлайди.

○ 55% маҳаллий аҳоли табиий ресурсларнинг сақланиши ва муҳофаза қилинишига катта эътибор қаратилишини талаб қилади, чунки уларнинг фикрича, туризм ресурсларнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

**2. Туризм билан шуғулланувчи компаниялар:**

○ Компаниялар мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тарғиб қилишда минтақавий ресурсларни самарали фойдаланиш муҳимлигини тан олади. Сўровда иштирок этган компанияларнинг 80%и буни ўз бизнес стратегияларига киритган.

○ Туризм компаниялари маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликни муҳим деб ҳисоблайди. Интервьюлар натижасида компаниялар мавсумий туризмнинг ривожланиши учун маҳаллий аҳоли билан ишлаш ва уларнинг қўллаб-қувватлашини олиш кераклигини таъкидлади.

○ 70% компаниялар мавсумий туризмни ривожлантириш учун инфратузилмани яхшилаш ва инвестициялар киритиш муҳим эканлигини билдирди.

**3. Сайёҳлар:**

○ Сайёҳлар учун мавсумий туризмнинг қизиқарли жиҳатлари ва жозибadorлиги юқори даражада. Сўровда қатнашган сайёҳларнинг 65%и мавсумий маҳсулотлар ва тадбирларнинг уларни саёҳат қилишга рағбатлантиришини айтган.

○ Сайёҳлар минтақавий ресурсларнинг уникалиги ва маҳаллий маданият билан танишиш имкониятини юқори баҳолайди. Интервьюларда 72% сайёҳлар бу турдаги тажрибаларни кўпроқ исташини билдирган.

○ Мавсумий туризмда экологик ва маданий барқарорлик муҳим ҳисобланади. Сайёҳларнинг 60%и туризм орқали минтақавий ресурслар сақланишига қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлайди.

Ушбу натижалар мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда минтақавий ресурслардан самарали фойдаланиш муҳимлигини ва бу соҳада маҳаллий аҳоли, бизнес ва сайёҳлар ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятини кўрсатади.

### Хулоса ва таклифлар

Мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда минтақавий ресурслардан самарали фойдаланиш туризм соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилidir. Бу мақолада келтирилган тадқиқотлар ва натижалар шуни кўрсатадики, тўғри режалаштириш ва маркетинг орқали мавсумий туризмни ривожлантириш мумкин. Шунингдек, маҳаллий аҳоли ва ишбилармонлар учун ҳам янги имкониятлар яратилиши мумкин. Минтақавий ресурсларни самарали фойдаланиш орқали мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқиш туризм соҳасида янги босқичга олиб келиши мумкин.

Мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда минтақавий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

Ҳар бир минтақа учун мавжуд табиий, маданий ва тарихий ресурсларни аниқлаш ва уларнинг туристик потенциалини баҳолаш.

Туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда ва уларни тарғиб қилишда қўлланиладиган ресурсларнинг экологик ва маданий аҳамиятини инобатга олиш.

Минтақадаги туристик объектларга олиб борадиган йўллар, транспорт ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яхшилаш.

Давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш орқали инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш.

Маҳаллий аҳоли ва ишбилармонлар билан туризмнинг ривожланиши бўйича мунтазам учрашувлар ўтказиш ва уларнинг фикрларини инобатга олиш.

Маҳаллий аҳолига туризм соҳасида ишлаш ва тадбиркорлик қилиш учун тренинглар ва курслар ташкил этиш.

Минтақавий ресурсларнинг ўзига хослигини ва мавсумий туристик маҳсулотларнинг афзалликларини намоён қилувчи маркетинг кампанияларини олиб бориш.

Мавсумий туризмга бағишланган фестиваллар, ярмаркалар ва маданий тадбирлар ташкил қилиш орқали туристларни жалб қилиш.

Ушбу таклифлар мавсумий туристик маҳсулотларни ишлаб чиқишда ва уларни тарғиб қилишда самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, минтақавий ривожланишни таъминлаш ва маҳаллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради.

#### **Адабиётлар/ Литература/ Reference:**

*Baum, T., & Lundtorp, S. (Eds.). (2001). "Seasonality in tourism." Pergamon.*

*Butler, R. W. (2001). "Seasonality in tourism: Issues and implications." Tourism Geographies, 3(2), 233-254.*

*Cooper, C., Fletcher, J., Fyall, A., Gilbert, D., & Wanhill, S. (2008). "Tourism: Principles and practice." Pearson Education.*

*Khamzaeva, D. S. (2020). THE PROBLEM OF SEASONALITY IN TOURISM. Theoretical & Applied Science, (11), 337-340.*

*Sergey Yekimov, Roman Oleksenko, Mehri Vokhidova, Makhsetbay Aytimbetov, Iryna Kolokolchikova, Anastasiia Poltorak, Yuriy Volosyuk (2023). Investments in human capital in agriculture. E3S Web of Conf. 452 01005 (2023)*

*Smith, V. L. (Ed.). (2012). "Host and guest: The anthropology of tourism." University of Pennsylvania Press.*

*Хамзаева, Д. (2022). Туристтик маҳсулотлар таклифини мавсумийлаштиришни такомиллаштириш йўллари ва устиқболлари: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a52](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a52). Iqtisodiyot va ta'lim, 23(3), 337-341.*